Қул ҳуваллоҳу аҳад», Фалақ ва Нос сураларини эрталаб ва кеч уч марта айтинг, сизни барча ёмонликлардан сақлайди», – дедилар

Абдуллоҳ ибн Хубайб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Ёмғирли қоронғу тунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга намоз ўқиб беришлари учун чиқдик. У кишини олдиларига етиб бордим. «Айтинг», – дедилар. Ҳеч нарса демадим. Сўнгра: «Айтинг», – дедилар. Ҳеч нарса демадим. Сўнгра яна: «Айтинг», – дедилар. «Нима деб айтай», – дедим. «Қул ҳуваллоҳу аҳад», Фалақ ва Нос сураларини эрталаб ва кеч уч марта айтинг, сизни барча ёмонликлардан сақлайди», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти]

Улуғ саҳоба Абдуллоҳ ибн Хубайб разияллоҳу анҳу хабар бериб айтадилар: Улар ёмғирли қоронғу тунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга намоз ўқиб беришлари учун излаб чиқдилар ва У зотни топдилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Айтинг», яъни, ўқинг дедилар. Ҳеч нарса ўқимадилар. Сўзларини яна қайтардилар. Шунда Абдуллоҳ: «Ё Расулуллоҳ, Нима ўқий», –дедилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: «Қул ҳуваллоҳу аҳад», яъни, Ихлос, «Қул аъузу бироббилфалақ», яъни, Фалақ, «Қул аъузу бироббиннас», яъни, Нос сураларини эрталаб ва кеч уч мартадан ўқинг, барча ёмонликлардан сақлайди ва ҳимоя қилади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/6082